

Асрор Абдиқайумов Раимович – доц. ТЕРДУ
Абдулакимова Дилжахон Болтаевна - ТЕРДУ академик лицейи
ўқитувчиси

**"ТАНГАЛАР – САВДО ВА ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСИЙ
ВОСИТАСИ"**

Аннотация

Ушбу мақолада қадимги даврлардаги тангаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг иқтисодий ва тарихий аҳамияти ҳамда тангалар орқали савдо йўллари аниқлаш масаласи ёритилган. Тадқиқот давомида турли ҳудудларда топилган тангалар, уларнинг метали, ёзуви ва тасвирлари орқали ўша даврдаги давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар таҳлил қилинган. Шунингдек, тангалар билан бир қаторда каурий қобиғларининг пул вазифасида қўлланилиши (қадимги Хитой) ва уларнинг савдо муносабатларида тутган ўрни ҳақида маълумотлар берилган. Иш натижасида тангалар ва каурий қобиғлари қадимги дунёдаги савдо йўллари аниқлашда муҳим манба экани исботланган.

**Калит сузлар : нумизматика ,Лидия, электрум, туғ , суффикс ёзувлар,
товар , пул, иқтисодиёт, бозор, ипак йули , “дарик “**

Асрор Абдиқайумов Раимович — доцент ТЕРДУ.
Абдулакимова Дилжахон Болтаевна — преподаватель академического
лицея ТЕРДУ

**«МОНЕТЫ — ОСНОВНОЙ ИНСТРУМЕНТ ТОРГОВЫХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ
ОТНОШЕНИЙ.»**

Аннотация

В данной статье рассматриваются возникновение монет в древние времена, их экономическое и историческое значение, а также вопрос определения торговых путей с помощью монет. В ходе исследования были проанализированы монеты, найденные в различных регионах, по их металлическому составу, надписям и изображениям, что позволило изучить торгово-экономические отношения между государствами того времени. Кроме того, приведены сведения об использовании раковин каури (в древнем Китае) в качестве денег и об их роли в торговых отношениях. В результате исследования было доказано, что монеты и раковины каури являются важными источниками для определения торговых путей в древнем мире.

**Ключевые слова: нумизматика, Лидия, электрум, штамп, суффиксные
надписи, товар, деньги, экономика, рынок, Шёлковый путь, «дарик»**

Asror Abdiqayumov Raimovich — Associate Professor at TERDU.

“COINS – THE MAIN MEANS OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS.”

Abstract

This article discusses the emergence of coins in ancient times, their economic and historical significance, and the issue of identifying trade routes through coins. During the research, coins found in various regions were analyzed by their metal composition, inscriptions, and images to study the trade and economic relations between states of that period. In addition, information is provided about the use of cowrie shells (in ancient China) as a form of money and their role in trade relations. As a result of the study, it was proven that coins and cowrie shells were important sources for determining trade routes in the ancient world.

Keywords : numismatics, Lydia, electrum, stamp, suffix inscriptions, goods, money, economy, market, Silk Road, “daric”

Танга — бу қадим замонлардан одамлар ўртасидаги савдо муносабатларини енгиллаштириш мақсадида яратилган биринчи металл пул бирлиги ҳисобланади.

Лидияда (Ғарбий Туркия) электрум (олтин ва кумуш қўшимчаси бўлган қоришма) тангалар зарб этилгани ва бу Лидиядан бошланганлиги ҳақида археологик ва нумизматик маълумотлар мавжуд.¹

Бу кўп олимларга кўра дунёнинг биринчи расмий тангаси — Лидия статери — VII асрда (б. э. авв. VI асрда) пайдо бўлган деган фикр мавжуд.²

Крез (Croesus) Лидия подшоҳи атрофида олтин ва кумушдан стандартлаштирилган тангалар ишлаб чиқарган, бу биринчи икки металл (биметаллик) пул тизимини яратган деб қаралади.³

Ғарб нумизматикларида Лидия тангалари “Lion’s head” («арслон боши») дизайнига эга эканлиги алоҳида таъкидланади.⁴

Қадимги юнон файласуфи Аристотель (мил.ав. IV аср) ўз асарида тангаларнинг пайдо бўлиш заруратини қуйидагича ифодалайди, жумладан, “... илк жамиятларда товар - товарга айирбош қилинган (масалан, дон — териға, ёки қўй — асбобға), лекин бу усул қийинчилик туғдирарди. Масалан, сенда дон бор, менда темир — аммо сенга темир керак эмас, шунда айирбош амалга ошмай қоларди. Шунинг учун умумқабул қилинган эквивалент (яъни қиймат ўлчови)га эҳтиёж туғилди.

¹ **The Importance of the Lydian Stater as the World’s First Coin.**

World History Encyclopedia. – 2020. – URL: <https://www.worldhistory.org/article/797/the-importance-of-the-lydian-stater-as-the-worlds/>

² **Early Lydian Coinage and Chronology.**

Austrian Academy of Sciences (OeAW) – Department of Numismatics. – 2022. – URL:

<https://www.oeaw.ac.at/en/oeai/research/classical-studies/numismatics/early-lydian-coinage-and-chronology>

³ **Croeseid.**

Wikipedia, the free encyclopedia. – URL: <https://en.wikipedia.org/wiki/Croeseid>

⁴ **History of Coins.**

Wikipedia, the free encyclopedia. – URL: https://en.wikipedia.org/wiki/History_of_coins

Қадимги Шарқ, Хитой, Миср, Хоразм, Бохтар ва эллинистик давлатларда шаҳарлар ва бозорлар кенгайиши савдони тезлаштирди. Турли халқлар ўртасидаги савдо учун ягона, барқарор, ишончли қиймат белгиси керак бўлди. Шу тариқа металл тангалар (аввало мис, кумуш ва олтин) ишлаб чиқарилди. К.Маркс “Капитал” асарида : “Пул — бу товар айирбошининг табиий натижаси” деган фикрни айтган.⁵

Давлатлар ўз ҳудудидаги савдони назорат қилиш ва қийматни белгилаш учун танга зарб қилишни расмийлаштирган. Тангадаги шоҳ сурати ёки тамға — бу ҳокимият белгиси, яъни “бу давлат кафолати билан ҳақиқий қийматга эга” дегани, масалан, Хоразм, Қанг ва Суғд тангаларида подшоҳ сурати, туг ёки давлат тамғаси шу вазифани бажарган.⁶

Археологик жиҳатдан тангалар муҳим манба ҳисобланади. Улар ёрдамида:

- Давлат чегаралари ва савдо йўллари аниқланади;
- Подшоҳликлар тартиби ва хронологияси ўрганилади;
- Маданий ва диний тасаввурлар таҳлил қилинади;
- Металлургия даражаси ҳақида маълумот олинади.

Тангаларнинг дунё цивилизациясидаги тараққиёти ҳақида фикр юритадиган булсак, Бобил, Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларда танга ишлаб чиқариш анъаналари ривожланган, Аҳамонийлар (Эрон) тангаларида подшоҳ сурати ва давлат рамзлари акс этган булса, юнон ва Рим тангалари энг мукамал бўлиб, уларда подшоҳлар, ҳудодлар ва афсоналар ифодаланган. Хитойда аввал “қопқон шаклидаги мис тангалар” ишлатилган бўлиб, улар “каурий” (денгиз қобиғи, яъни кичик, ялтироқ, тузилиши чиройли сув қобиғи бўлган моллюска туридир) қобикларидан кейинги босқич бўлган.

Марказий Осиёда тангалар асосан археологик қазилмаларда, кўҳна шаҳарлар ва қасрлар харобаларида, қўрғонларда топилган. Масалан, Қофирқалъа (Тожикистон), Термиз, Самарқанд, Пойканд (Бухоро), Хоразм ҳудудларидан кўплаб мис ва кумуш тангалар топилган. Бу тангаларни илмий жиҳатдан нумизматлар (тангашунос олимлар) ўрганган.

Ўрта Осиёнинг қадимги тангаларини ўрганишда маҳаллий ва хорижий олимларнинг хизматлари бекиёсдир. Хусусан, Э. Ртвеладзе (Ўзбекистонлик тарихчи ва археолог, Марказий Осиё тарихи ҳамда қадимги тангалар (айниқса, Кушонлар ва Юнон-Бактрия даври) бўйича етакчи олим.), А. Асқаров (археология ва қадимги давлатчилик тарихи бўйича кўп ишлар қилган, тангаларни ҳам маданий манба сифатида ўрганган.), Ғ. Бобоев (нумизматиканинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилган, Бактрия ва Хоразм тангалари бўйича тадқиқотлар муаллифи), Ш. Пидаев (археолог, Сурхондарё ва Қашқадарё ҳудудларидан топилган қадимий тангаларни ўрганган), Ю. Қўчқоров (Суғд ва Бухоро ҳудудларидаги танга хазиналарини таҳлил қилган) каби ўзбек олимлари ҳудудимизда топилган тангаларни илмий жиҳатдан таҳлил этиб, улар орқали минтақа тарихининг сиёсий ва иқтисодий тараққиётини ёритиб бердилар. Шу билан бирга, хорижий

⁵ К.Маркс .“Капитал” : “Пул — бу товар айирбошининг табиий натижаси”.

⁶ М.Н.Федоров. Notes on the Numismatics of Ancient Khwarezm .2005, Revue Numismatique, № 161, 163-175 –бетлар

тадқиқотчилардан А.Н. Зограф (рус нумизмати, “Монеты Средней Азии” асари муаллифи, Марказий Осиё тангаларини илмий асосда таснифлаган.), Б.А. Литвинский (совет археологи, Кушонлар даври тангалари бўйича илмий ишлар қилган.) , Р. Гёбл (австриялик олим, Кушонлар сулоласи ва уларнинг тангалари ҳақидаги энг тўлиқ каталоглардан бири муаллифи), Д. Макдауэл (британиялик нумизмат, Грек-Бактрия ва Кушон тангалари бўйича ишлаган) ва Н. Кричевский (рус нумизмати, Марказий Осиёдаги Сосоний ва Эфталит тангалари тадқиқотчиси булса)ларнинг асарлари ҳам Марказий Осиё нумизматикаси ривожига катта ҳисса қўшган. Ушбу олимларнинг илмий изланишлари натижасида қадимги тангаларнинг хронологияси, типологияси ва тарқалиш ҳудудлари аниқланиб, улар минтақадаги давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни тадқиқ этишда муҳим манба сифатида эътироф этилган.

Тангалар нафақат иқтисодий восита, балки санъат ва тарих ҳужжати сифатида ҳам қимматлидир. Улардаги нақш, рамз, ёзувлар — халқнинг маданияти, эътиқоди ва сиёсий кучини акс эттиради.

Марказий Осиё ҳудудида танга зарб этиш анъанаси мил. авв. V–IV асрлар (баъзи манбаларда IV–III асрлар)да бошланган бўлиб, илк тангалар Бактрия (ҳозирги Афғонистон ва Тожикистон ҳудуди) ва Суғдда пайдо бўлган. Уларда юнон-бактр подшолари (Деметрий, Евкратид) сурати ва юнон ёзувлари акс этган. ⁷Суғд тангаларида эса маҳаллий рамзлар — ой, қуёш, эшак, қуш ёки тошбақа белгиси учрайди.⁸

Канг тангаларида подшоҳ ёки шоҳона рамзлар тасвирланган бўлса, Хоразм тангаларида эса от сурган подшоҳ, туғ ва суффикс ёзувлар учрайди.⁹ Улар асосан мис ва кумушдан зарб этилган. Кушонлар (I–III асрлар) танга ишлаб чиқаришни юқори даражага олиб чиққан. Кушон тангаларида подшоҳ сурати бир тарафда, бошқа тарафда буддавий ва маҳаллий худолар тасвири бўлган. Ёзувлар бактрия тилида (юнон алифбосида) ёзилган.

Дастлабки тангаларнинг шаклига келадиган бўлсак, Лидия (Ғарбий Туркия) тангаси — овал шаклда, арслон боши тасвирланган.¹⁰

Аҳамонийлар тангалари ҳам айлана ёки бироз овал шаклда бўлган. Ҳажми кичик, юзаси текис ва сиртга чизилган нақшлар аниқ кўринган. Масалан, шох Доро I нинг дарик деб номланган олтин тангасида одатда олд томонида камон ва найза ушлаган подшонинг тасвири бўлган (бу “форс жангчиси” деб аталган), орқа томонида эса чуқур белги (indentation) ёки рамз бўлган, унинг таъсири кейинчалик грек, рим ва ҳатто исломий тангалар тизимига ҳам ўтган.¹¹

⁷ Osmund Bopearachchi — *Monnaies gréco-bactriennes et indogrecques. Catalogue raisonné* (Paris, 1991).

⁸ Michael Mitchiner — *The Early Coinage of Central Asia* (Hawkins Publications, 1973).

⁹ Q. Xiaoyan — “Samarqand’s Cast Coinage from the Early Seventh to the ...” (2019, JSTOR), Michael Fedorov — “Notes on the numismatics of Ancient Khwarezm” (2005), D. V. Biriukov — «Облечённые властью и лишённые имени. Анонимный период древнехорезмийской монетной чеканки» (2001/2002) (ва у билан боғлиқ мақолалар), Oriental Numismatic Society / коллекция таҳлиллари (ONS paper, assorted authors compiling tamgha-types and attributions).

¹⁰ *The British Museum – Money and Coinage History* (Британия музейининг расмий маълумотлари), *World History Encyclopedia* сайтидаги “Lydian Coins” мақоласи, *Encyclopaedia Britannica* (“Lydia: ancient kingdom of Asia Minor” моддаси)

¹¹ Геродот – “Тарих” (Ἱστορίαι / “Historia”)

Тангалар бизга қадимги савдо йўллари аниқлашда ҳам ёрдам беради. Топилган жойига қараб, агар бирор ҳудудда (масалан, Лидия, Бохтар, Суғд ёки Хоразмда) бошқа давлатга тегишли тангалар топилса, демак у ерда савдо алоқалари бўлган. Масалан: агар Хоразмда юнон тангалари топилса — бу юнонлар билан савдо бўлганини кўрсатади.

Металл тури ва ишловига қараб эса, ушбу тангаларнинг олтин, кумуш ёки бронзадан ясалгани савдо даражасини билдирган. Масалан, олтин тангалар — катта, халқаро савдо учун, бронза тангалар — маҳаллий бозорлар учун. Шу йўл билан қайси йўналишда қимматбаҳо савдо йўли бўлганини аниқлаш мумкин.

Ёзув ва тасвирларга қараб тангалардаги подшо исми, шаҳар номи ёки белгилар савдо алоқалари ҳақида маълумот олиш мумкин. Масалан, агар бир тангада "Аҳамонийлар подшоси Дорий" номи ёзилган бўлса ва у танга Марв ёки Самарқанддан топилса, бу Аҳамонийлар савдо йўли Марв орқали ўтганини англатади.

Вақти ва тарқалиш ҳудуди орқали археологлар тангаларни қайси асрда ясалганини билиб, ўша даврдаги иқтисодий алоқаларни белгилайди. Масалан, Лидия тангалари (биринчи тангалар) Осиё ва Европа орасида топилган — демак, бу қадимги савдо йўли (мисол: "Шарқий Осиё — Кичик Осиё — Европа") бўлган. Агар Лидия ((Ғарбий Туркия)) тангалари Марв ёки Суғдда топилса — бу Лидиядан чиққан Ипак йўлининг бошланғич қисми шу ерлардан ўтганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда "тангалар — тарихий гувоҳлардир". Улар қаерда топилгани, қандай металлдан ясалгани ва қайси давлатга тегишли эканига қараб савдо йўллари ва иқтисодий муносабатлар аниқланади.

Қадимги тангалар инсоният цивилизациясининг муҳим илмий ёдгорлиги ҳисобланади. Улар орқали тарихий жараёнлар, давлатчилик анъаналари ва иқтисодий муносабатлар ҳақида аниқ далиллар олинади. Марказий Осиёда топилган тангалар нафақат халқимизнинг бой маданий меросидан далолат беради, балки бу минтақанинг дунё цивилизациясидаги ўрнини ҳам тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.The Importance of the Lydian Stater as the World's First Coin.** World History Encyclopedia. — 2020. — URL: <https://www.worldhistory.org/article/797/the-importance-of-the-lydian-stater-as-the-worlds/>
- 2.Early Lydian Coinage and Chronology.** Austrian Academy of Sciences (OEAW) — Department of Numismatics. — 2022. — URL: <https://www.oeaw.ac.at/en/oeai/research/classical-studies/numismatics/early-lydian-coinage-and-chronology>
- 3.Croeseid.** Wikipedia, the free encyclopedia. — URL: <https://en.wikipedia.org/wiki/Croeseid>
- 4.History of Coins.** Wikipedia, the free encyclopedia. — URL: https://en.wikipedia.org/wiki/History_of_coins

5. **К.Маркс** .“Капитал” : “Пул — бу товар айирбошининг табиий натижаси”.
- 6.М.Н.Федоров. Notes on the Numismatics of Ancient Khwarezm .2005,Revue Numismaque,№ 161, 163-175 –бетлар
- 7.Osmund Вореараччи — *Monnaies gréco-bactriennes et indogrecques. Catalogue raisonné* (Paris, 1991).
- 8.Michael Mitchiner — *The Early Coinage of Central Asia* (Hawkins Publications, 1973).
- 9.Q. Xiaoyan — “Samarqand's Cast Coinage from the Early Seventh to the ...” (2019, JSTOR),Michael Fedorov — “Notes on the numismatics of Ancient Khwarezm” (2005), D. V. Biriukov — «Облечённые властью и лишённые имени. Анонимный период древнехорезмийской монетной чеканки» (2001/2002) (ва у билан боғлиқ мақолалар), Oriental Numismatic Society / коллекция таҳлиллари (ONS paper, assorted authors compiling tamgha-types and attributions).
- 10.*The British Museum – Money and Coinage History* (Британия музейининг расмий маълумотлари),*World History Encyclopedia* сайтидаги “Lydian Coins” мақоласи, *Encyclopaedia Britannica* (“Lydia: ancient kingdom of Asia Minor” моддаси)
- 11.Геродот – “Тарих” (Ἱστορίαι / “Historia”),